КОРХОНА ХОДИМЛАРИ «АВТОМОБИЛСИЗ КУН» ТАДБИРИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШДИ

// 28.08.2024
https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/korhona-hodimlari-avtomobilsiz-kun-tadbirida-faol-ishtirok-e



Маълумки, ҳар ойнинг сўнгги чоршанбаси юртимизда «Автомобилсиз кун» сифатида эълон қилинган. Ушбу жамоатчилик лойиҳаси атроф-муҳит, экологияга бефарқ бўлмаган кимёгарларни ҳам эзгу мақсад атрофида бирлаштирди. Корхона ходимларига қулайлик яратиш мақсадида 2000 та велосипедга мўлжалланган махсус тураргоҳ ташкил этилган.



Бугун жамият ходимлари меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун ишга велосипед, жамоат транспортида ва пиёда келишди. Бундай фаоллик табиат мусаффолигини асраш, экологияга эҳтиёткорона муносабатда бўлишни тарғиб этишда муҳим ўринга эга.



«НАВОИЙАЗОТ» АЖ АХБОРОТ ХИЗМАТИ